

541/1007 — عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَا رَأَى مِنَ النَّاسِ إِذْبَارًا، قَالَ: «اللَّهُمَّ سَبْعُ كَسْبَعِ يُوسُفَ». فَأَخْدَتْهُمْ سَنَةً حَصَّتْ كُلَّ شَيْءٍ، حَتَّى أَكَلُوا الْجُلُودَ وَالْمَيْتَةَ وَالْجِيفَ، وَيَنْظُرُ أَحَدُهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فَيَرَى الدُّخَانَ مِنَ الْجُوْعِ. فَأَتَاهُ أَبُو سُفْيَانَ فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِنَّكَ تَأْمُرُ بِطَاعَةِ اللَّهِ وَبِصِلَةِ الرَّحِيمِ، وَإِنَّ قَوْمَكَ قَدْ هَلَكُوا، فَادْعُ اللَّهَ لَهُمْ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: فَإِذْنِقْبِ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ) إِلَى قَوْلِهِ: (عَائِدُونَ (15) يَوْمَ تَبْطِشُ الْبَطْشَةُ الْكُبْرَى) [الدخان: 10-16]. فَالْبَطْشَةُ يَوْمَ بَدْرٍ، وَقَدْ مَضَتِ الدُّخَانُ، وَالْبَطْشَةُ وَاللِّزَامُ وَآيَةُ الرُّومِ.

541.1007. Масруқдан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳнинг хузурида эдик, у киши шундай деб айтиб берди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг (Исломдан) юз ўғирганларини кўргач: **«Аллоҳим!** (Уларга) **Юсуфнинг еттиси** (қаҳатчилик йиллари) **каби етти** (йил юбор)», дедилар. Шунда уларни қаҳатчилик тутиб, ҳамма нарсани қуритиб битирди, ҳатто улар тери, ўлимтик ва ўлаксаларни ҳам ейишиди. Уларнинг бирортаси осмонга қараса, очликдан тутун кўрар эди. Шунда Абу Суфён келиб: «Эй Муҳаммад! Албатта, сен Аллоҳга итоат этишга, силаи раҳм қилишга буюрасан, қавминг эса ҳалок бўлди, улар учун Аллоҳга дуо қил», деди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган Кунни кут. У одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир. «Роббимиз! Биздан азобни кушойиш қил!** Албатта, **биз иймон келтирувчидирмиз».** Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очик-ойдин Расул келган эди. Сўнгра ундан юз ўғирдилар ва: **«Бу ўргатилган мажнун», дедилар. Албатта, Биз азобни бир оз кушойиш қилувчимиз. Албатта, сизлар қайтувчисизлар. Катта ушлаш ила ушлаган Кунимиз албатта, Биз интиқом оловчимиз».**

«Ушлаш» Бадр кунида бўлди. Дарҳақиқат, «тутун» ҳам, «ушлаш» ҳам, «лизом» ҳам, Рум оятлари ҳам бўлиб ўтди».

**Изоҳ:** Бир гуруҳ уламолар: «Бу тутун воқеъликда бўлиб ўтган. Мушриклар Набий алайҳиссаломга осий бўлганларида, у зот соллаллоҳу алайҳи

васаллам: «Аллоҳим! Музар(қабиласи)га босимингни шиддатли қил, уларга Юсуфнинг йилларидек (қаҳатчилик) йилларини юбор», деб дуо қилдилар. Шунда улар очарчилликка йўлиқиб, ўлимтикларни ҳам едилар. Кейин уларни қуюқ тутун ўраб олди, одамлар бир-бирларининг овозларини эшитишарди-ю, лекин кўришмас эди. Ушбу оятдаги «тутун»дан мурод ана ўша тутундир», деганлар.

Иbn Масъуд розияллоҳу анҳу сўзининг давомида мазкур оятдаги айрим сўзларни изоҳлаш билан бирга, бошқа оятлардаги мавзуга доир маълум калималарнинг мазмuni ҳақида ҳам тўхтамоқда. Жумладан, «“Ушлаш” Бадр кунида бўлди» деганда оятдаги «ушлаш» сўзини Бадрда мушрикларнинг мусулмонлардан мағлуб бўлиб, катталарининг ҳалок бўлиши билан изоҳламоқда. «Лизом» Фурқон сурасининг охирги оядидаги калима бўлиб, «муқаррар азоб», «давомий азоб» деган маъноларни билдиради. Иbn Масъуд розияллоҳу анҳу бу азоб ҳам мушрикларнинг бошига тушганини айтмоқда. «Рум оятлари»дан мурод Рум сурасининг аввалги оятларида берилган башоратдир. Унда Рум бир неча йилдан сўнг ғолиб бўлиши айтилган эди. Буюк саҳобий «Куръоннинг бу хабари ҳам ўз вақтида содир бўлди», демоқчи.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

